# Набий алайҳиссалом намозга турсалар...




09:48 / 15.03.2025 1453

Али розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам агар намозга турсалар, ташаҳҳуд билан саломнинг орасида (яъни, салавотдан кейин):

اللهُمَّ اغْفِرْ لِي مَا قَدَّمْتُ وَمَا أَخَّرْتُ وَمَا أَسْرَرْتُ وَمَا أَعْلَنْتُ وَمَا أَسْرَفْتُ وَمَا أَنْتَ أَعْلَمُ
بِهِ مِنِّي أَنْتَ الْمُقَدِّمُ وَأَنْتَ الْمُؤَخِّرُ لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ

**«Аллоҳуммағфирлий ма қоддамту ва ма аххорту ва ма асрорту ва ма аъланту ва ма асрофту ва ма анта аъламу биҳи минний, антал муқоддим ва антал муаххир, Лаа илаҳа илла анта»**ни ўқир эдилар.

(Маъноси: Эй Раббим, олдингию кейинги, ошкораю махфий ва исрофгарчилик билан қилган гуноҳларимни ва мендаги ўзинг билган гуноҳларимни кечир. Албатта, Сен аввалги ва охиргидирсан, Сендан бошқа

илоҳ йўқ.)

*Имом Муслим ривояти.*

***Имом Нававийнинг «Ал-Азкор» китобидан***
***Таржимон Анвар Аҳмад***